

A movie poster featuring a close-up of a man's face on the left and a woman's face on the right. The woman has dark hair and is wearing a blue patterned top. The background is a dark blue gradient. At the bottom, a silver sedan is shown from a front-quarter view, with a license plate that reads 'EPICA'.

Соллиҳ ҚАҲҲОР

ТАХМИНА

EPICA

СОЛИҲ ҚАҲҲОР

ТАХМИНА

Саргузашт роман



Тошкент
«Тafakkur Qanoti»
2014

УЎК: 821.512.133-3
КБК 84(5Ў)7
Қ35

Тақризчилар:

Сигдиқ МЎМИН,
филология фанлари доктори, профессор

Маҳмуд САТТОРОВ,
филология фанлари номзоди, доцент

Ўсарали НИШОНОВ, агабиётшунос

Қаҳҳор, Солиҳ

Тахмина ёхуд дайди қизнинг дафтари: саргузашт роман /С.Қаҳҳор. — Тошкент: "Tafakkur qanoti", 2014. — 400 б.

Қадрли китобхон!

Сиз Солиҳ Қаҳҳорнинг «Дайди қизнинг дафтари» романи билан яхши танишсиз.

Муаллиф китобхонлардан тушган кўплаб мактублардаги истак ва таклифларни, фикру мулоҳазаларни инobatта олган ҳолда, «Дайди қизнинг дафтари» асарини гоаявий-бадий жиҳатдан қайта ишлаб, уни «Тахмина» деб номлади.

Ўйлаймизки, қўлингиздаги бу китоб «Дайди қизнинг дафтари»дан олган таассуротларингизни янада мукаммаллаштириб, Сизни асар бош қаҳрамони Тахминанинг ҳаёт йўли орқали қизиқарли воқеалар сари бошлайди.

УЎК: 821.512.133-3
КБК 84(5Ў)7

ISBN 978-9943-382-57-2

© Солиҳ Қаҳҳор, 2014 й.
© «Tafakkur Qanoti», 2014 й.

ЭНГ КЎП ЎҚИЛАДИГАН КИТОБ

Хар қандай китобхон ўқиса бўладиган китобни излаб юради ва уни топиб олса, қўлдан қўймайди. Ўзининг қалб мулкига айлантиради. Унинг хоҳиш-иродасига қарши боришнинг иложи йўқ – чунки, китоб мутолааси эркин танлаш ҳуқуқига асосланган ҳақиқий жараён, агар буни кимлардир бошқара олганида халқ орасидан истеъдод эгаларини излаб юришнинг ҳожати қолмасди.

Мустабид тузумнинг адабиётни ўз измига солиб, уни маълум қолида ушлаб туриш каби тазйиқлари эркинлик шабадалари туфайли аста-секин йўқола бошлагач, бизда ҳам кенг китобхонлар орасида яшин тезлигида тарқаб тилга тушадиган, ўқиладиган китоблар кўпайди. Қанча қоғоз қоралангани билан ёзганларини ўзидан бўлакка маъқул қилолмайдиганлар бу ҳолдан анча ғашланишиб «китоб бозорини ундоқ китоблар босиб кетди, бундоқ китоблар босиб кетди», дея айюҳаннос сола бошлашди. Улар қанчалик айюҳаннос солишмасин, бунинг фойдаси йўқ, чунки китобхон ўзига керакли нарсани қаердан бўлмасин топиб ўқийди ва у бунга ҳақли ҳисобланади. Солиҳ Қаҳҳор (Солижон Қаҳҳоров)нинг «Дайди қизнинг дафтари» романи ҳам қисман бу қисматни ўз бошидан кечирди, десам янглишмайман.

Эсимда бир куни бетакрор ёзувчимиз Шукур Холмирзаев:

– Солижонни танийсизми? – деб қолди.

– Ҳа, албатта, ҳикоялариниям ўқиганман. Менга унинг «Меҳмон», «Айри йўл» деган ҳикоялари ёққан.

Бу гап Шукур акага маъқул келгандай жилмайди. У ўз яқинлари, яхши кўрган инсонлари ҳақида илиқ гап эшитса, беихтиёр суюниб кетарди.

– Яшанг! – хитоб қилди Шукур ака. – Солижон ёзишни билади. Аммо ялқовлиги бор, шунинг учун катта нарсаларга қўл урмайди, деб юрардим. Яқинда менга бир қўлёзмасини берди,

Чустдамиди билмадим, қаерлардадир айрим қисмларини китоб қилиб чиқарибди. Аммо менга номи ёқмади.

– Номи нима экан?

– «Фоҳишанинг бошдан кечирганлари».

– Ў-ҳў! Бунақа номда чиқариб бўлмаса керак.

– Гап бунда эмас. Барибир сал яшириш керак. Фоҳишами, ўғри-қаллобми, унгаям одам сифатида қараш адабиётда янгилик эмас. Мопассани биласиз, кўп ёзган бунақа нарсаларни. Чеховнинг «Тутқаноқ» ҳикоясида ҳам исловатхонага бориб қолиб, кейин ўша исловатхонадаги қизларни қутқармоқчи бўлган рассомнинг изтироблари тасвирланган. Адабиётда шунақа бўлиши керак. Солижон тўғри йўл танлаган...

Хуллас, Шукур аканинг маслаҳатлари билан асар қайтадан ишланди, «Дайди қизнинг дафтари» номини олди, Шукур Холмирзаевнинг сўзбошиси билан «Шарқ» нашриётида ўн минглаб нусхаларда чоп этилди. Асар қаҳрамони Тахмина китобхонлар қизгин муҳокама қиладиган образга айланди. Бу бежиз бўлмай, дунё адабиётининг йирик вакили, Нобель мукофоти лауреати Уильям Фолкнернинг асарга иқтибос қилиб олинган қуйидаги фикри унинг моҳиятини очиб берувчи ишора эди: *«Иллатни ҳеч қачон унинг айнан ўзини кўрсатиш учунгина тилга олманг. Иллатдан фақат кўзингизга табиий бўлиб кўринаётган қайсидир ҳақиқатни очиб бериш мақсадидагина фойдаланиш лозим. Шундай вақтлар бўладики, одамларга ҳаётда ана шундай ҳақиқат ҳам борлигини ва ундан халос топиш ҳамда аҳволни ўзгартириш зарурлигини эслатиб қўймоқ зарур. Зеро, нуқул яхшилик ва гўзаллик ҳақида гапириш ҳаминша ҳам иш бера-вермайди».*

Энг кўп ўқиладиган китобнинг сирини ана шу сўзлар мағзини чаққан китобхонларгина теран англашларига шубҳа йўқ.

Шойим БЎТАЕВ

Иллатни ҳеч қачон унинг айнан ўзини кўрсатиш учунгина тилга олманг. Иллатдан фақат кўзингизга табиий бўлиб кўринаётган қайсидир ҳақиқатни очиб бериш мақсадидагина фойдаланиш лозим. Шундай вақтлар бўладики, одамларга ҳаётда ана шундай ҳақиқат ҳам борлигини ва ундан халос топиш ҳамда аҳволни ўзгартириш зарурлигини эслатиб қўймоқ зарур. Зеро, нуқул яхшилик ва гўзаллик ҳақида гапириш ҳамиша ҳам иш беравермайди.

Уильям ФОЛКНЕР

Биринчи фасл

ҲАСРАТ КЕЧАСИ

I

— Менга... суюқоёқ қизлардан топиб берсангиз.

Милиция участкаси бошлиғи капитан Суннатов менинг бу илтимосимдан ҳайратга чўқди.

— Кечирасиз... бу ер мелисахона. Биз қўшмачилик билан шуғулланмаймиз, — чиндан ҳам таажжубда гўлдиради у. — Иккинчидан, сиз ўзингизга ярашмаган ишни қилмасангиз бўлармиди...

— Узр, узр. Лекин мен жиддий гапиряпман, ишонаверинг.

Капитан энди бошини бошимга яқинлаштириб, ҳузур билан қиқирлади: — Қани, ёрилинг, ўртоқ журналист, кеннойим уйдан кетиб қолганларми дейман?

— Кеннойингиз, худога шукур, уйда, — дедим унга жавобан, — мен ҳозир бошқа маънода сўраяпман.

Суннатов яна сергак тортди.

— Тушунмадим...

— Очикроқ айтсам, редакция топшириғи шундай. Фоҳишалар ҳаётидан материал тайёрлашим керак. Сиздан ёрдам сўраб келдим. Рўйхатингизга тушган бирон нуқта бўлса, ишни ўшатган бошласамми, дейман.

Капитан «ҳаммаси тушунарли» деган маънода бош қимирлатиб қўйди-да, ўрнидан вазминроқ туриб, хона ичида иягини қашиганича уёқ-буёққа ҳорғин юра бошлади. Энди унинг кайфияти бузилгандек эди. Сигарет тутатди. Кейин менга юзланиб, гапга чоғланган эдики, ногоҳ телефон жиринглаб қолди.

— Капитан Суннатов, эшитаман...

Қўнғироқ қилган одамнинг шанғиллаган овози эшитилди. Суннатов уни босиқлик билан бир дам тинглаб турди-да, кейин асабийроқ оҳангда жавоб қилди:

— Қўрқадиган жойимиз йўқ, жаноб. Сизни поездингиз жўнаб кетиб бўлган. Истиқдол қонунлари билан ҳисоблашишга тўғри келади энди. Ҳадемай кўрамиз, ким кимнинг думини тугиб қўяркин!

Капитан телефон гўшагини тарақлатиб жойига қўйди.

— Тинчликми, ака?

У саволимни жавобсиз қолдирди. Нималарнидир хаёлдан кечирганча, сигаретни буруқсатиб хона деразаси билан иш столи орасида сокин юра бошлади. Мен унинг эғнидаги оҳори тўкилиб бўлган усти-бошига, кийимдаги тугмаларни ҳолдан тойдириб турган йўғон гавдасига, силлиқ қилиб таралган сийрак оқ сочи-ю, ҳорғин қадам ташлашига зимдан назар ташлаб, жим ўтирибман. «Қарибди, кечаги Суннатов эмас... — хаёлдан ўтказаман ўзимча. — Яқиндаям қанақа эди-ю. Пошна-сининг товуши юз метр жойдан эшитилиб турарди. Ҳалол одам. Ўзи шундай, яхшилар тез ишдан қолишади...»

Суннатов билан танишганимизга кўп бўлгани йўқ. Исми Турдимат ака. Милиция ҳаётидан материал лозим бўлганда унча-мунча ёрдами тегиб турарди. Газетани, газетачиларни хуш кўради. Ҳузурига мухбир кириб борса, худди генерал кириб келгандай, астойдил хизмат қилишига бормиз.

— Очиғи, сиз қизиқаётган фоҳишалардан гап очилса, қон босимим кўтариладиган бўлиб қолган, — қўлидаги сигаретини кулдонга босиброқ эзфилади у. — Яқинда ҳайфсан олдим... Йил охирида нафақага чиқадиغان одамман. Юзингда кўзинг борми, дейишмайди. Нима эмиш, менинг мавзеимда чуррақлар кўпайиб кетган эмиш!

Кулиб юборишдан ўзимни базўр тийиб қолдим. Чунки кекса ва ҳорғин, соддадил капитаннинг юзи янаям жиддий, бароқ қошларини чимириб, лабларини болаларча чўччайтириб олган эди.

— Хафа бўлманг, Турдимат ака, — унга тасалли бермоқчи бўлдим. — Раҳбарларни ҳам тушуниш керак. Бор, нима бўлсанг-бўлавер, дейиш билан иш битмайди-ку, ахир. Яқинда ҳоқимиятда вилоят бош врач ҳисобот берди. Сира кутилмаган гаплар чиққанидан беҳабарсиз, шекилли. Фаҳш билан шуғуланувчилар, юқумли таносил касалликларини тарқатувчилар сони кескин кўпайиб кетибди. Айниқса, сиз ишлаётган мавзеда шароит оғирроққа ўхшайди.

— Шароитнинг оғирлиги ҳаммага аён, — гапимни бўлди у. — Бу шаҳарчада ҳар хил миллатга мансуб ўн мингдан ортиқ ишчи оила яшайди, уларнинг аксарияти шўро даврида турли ҳудудлардан келиб қолишган.

— Бу билан... шароитимиз носоз, демоқчимисиз?

— Нима десамикин... — капитан бир зум ўйга чўмиб қолди. — Халқимизда «Йиғлаб-йиғлаб ариқ очсанг, кулиб-кулиб сув ичасан» деган

мақол бор. Гап йўқ, ҳадемай фароғатли кунлар кириб келади. Яна шунисиям борки, ишчи оила ўз нонини ҳалол меҳнати билан топиб ейишга ўрганган. Уларда орийат ҳам кучлироқ. Фақат... муҳтожлик айрим иродасиз кишиларни маълум даражада сўнги чораларга етакларкан.

— Эҳтимол шундайдир. Бироқ орийатли инсон учун энг сўнги чора ўлимдир. Мен фаҳшни ожизлик, заифлик, енгилтабиатлилик маҳсули, деб тушунаман.

— Ҳа, умуман олганда шундай. Бироқ типратикан тикансиз туғилади, тикани кейин пайдо бўлади. Одам боласи яхшилиқни ҳам, ёмонлиқни ҳам ўзини ўраб турган муҳит ва шароитдан олиб ўсади.

— Бу гапларни қўйинг, Турдимат ака. Сиз, афтидан, энг ривожланган давлатларда, роҳат ва фароғатда яшаётган зодагон мавзеларда фоҳишабозлик кўпроқ авж олганидан беҳабарсиз чоғи. Лекин бизни кўпроқ даҳшат ва ҳайратга солаётган нарса — ор-номусини, ҳаё ва иффатини, иймон ва диёнатини азал-азалдан муқаддас билиб, ҳамма нарсадан устун қўйиб келган бизникилар орасида... ана шундай жирканч жароҳат газак олаётганидир... Буёқ бобокалонимиз Амир Темурнинг сўзларини эсланг: «Номуссиз хиёнатдан номусли ўлим афзал...».

— Ёки бўлмаса Зебунисони айтмайсизми! — жонланиб кетди капитан. — Мен унинг хотин-қизларимиздаги ҳаё тўғрисида ёзган байтини биламан:

*Лайли зотидан эрсам-га дилга Мажнунча ҳаво,
Тоғу тош кезгим келур, лекин йўлим тўсгай ҳаё.*

— Отангизга раҳмат, жудаям топиб айтдингиз! — уни қувватлаб қўйдим. — Энди яна бир нарса: илгарилари ўзимизда зино устида қўлга тушганларни тириклайин девор остига бостириб юборишаркан.

— Худди шундай, мен бу ҳақда жуда кўп эшитганман, — уям гапимни тасдиқлади.

Мен капитанга ён дафтаримда қайд этиб қўйилган бир нарсани ўқиб бердим.

— Эрига хиёнат қилганлиги учун Эрон ва Қурияда, Мавритания ва Суданда, Бирлашган Араб Амирликлари ва Саудия Арабистонида, фоҳишаник учун Эронда, фоҳишахона очганлиги учун ёки қўшмачилик қилганлиги учун Хитойда ўлим жазоси берилади.

— Менинг кўнглимдагидек экан, — сўзимни илиб кетди у. — Хўш, бизда-чи? Фоҳишанинг фоҳиша эканлигини била туриб, сен фоҳишасан деб кўринг-чи. Бир дамда иштонини бўйнингизга илиб қўйиб, шармандангизни чиқаради. Чунки унинг кўрқадиган, ҳайиқадагидан қонуни йўқ. «Сен мени аввал биронта билан ушлаб ол, ана ундан кейин гапир», дейди. Боринг ана, фоҳишани фоҳиша эканлигини

исботлаб ҳам бердингиз дейлик, хўш, нима бўпти? У арзимаган жарима билан халос топади-да, кейин ўз йўлида кетаверади.

Суннатов ўрнидан турди. Олдимиздаги кулдонни олиб бориб, ёзув столи биқинидаги ахлат қутисига бўшатди-да, яна бир бор «Падарига минг лаънат» деб қўйди.

Сўнгра дераза ёнига бориб, бир дам ташқарига лоқайд назар ташлаб турди. Кейин яна менга ўтирилиб, босиқ оҳанг билан сўзида давом этди:

– Рости гап, ҳаммасидан чарчаганман. Тезроқ нафақага чиқиб кетсам, дейман. Кенжамни уйлантиришим керак. Шу йил кузақда бир амаллаб тўйини ўтказиб олсам бас, уёғига худо пошшо!

– Ўша кунларга етказсин. Қамишдан бел боғлаб, ғалвирда сув ташиб хизмат қиламиз, – унинг руҳини кўтармоқчи бўлдим.

– Раҳмат, ука. Дунё фақат яхшилар билан обод. – Суннатов шундай дея, ёзув столи ёнига ўтди. Тортмадан бир дафтар чиқариб варақларкан, ногоҳ кабинет эшиги зарб билан очилиб, ичкарига ўрта ёшлар чамасидаги йўғон-лўппи бир аёл ҳарсиллаганча отилиб кирди. Важоҳатидан от ҳуркигудек. Ёшига, биқиқ жуссасига ярашмаган мини юбкада, ҳандалаклар-у дўмбира-дўмбиралар бу дунёга сифмаяпти...

У мен томонга ақалли қараб ҳам қўймади, тўғри Суннатовга яқинлашиб, қаҳр билан сўради:

– Начайний сиз бўласизми?!

Кутилмаган ташрифдан бир дам анграйиб қолган кекса капитан дарҳол ўзини қўлга олиб, аёлга мулозамат кўрсатган бўлди:

– Қани, манави стулга ўтириб, ўзингизни бироз босиб олинг-чи...

– Мен сиздан сўраяпман, массивти начайниси ўзизми?! Аёл тафтидан тушмайдиган кўринарди.

Шунда мен бошлиққа халақит бермайин, деган ўй билан «ташқарига чиқиб турсамми?» маъносида сохта йўталиб қўйдим. Капитан ишорамни тушунди ва мен томонга боқмаёқ қўли билан «ўтиравер» ишорасини қилди. Аёлга энди дадилроқ оҳангда деди:

– Сиз афтидан, қаерга кириб келганингизни унутяпсиз, хоним. Қани, ўтирасизми-йўқми?

Аёл капитан кўрсатган стулга жирканиброқ назар ташлаб олди-да, кейин омонатгина қўнган бўлди. Бироқ стул худди жонивордек нолали ғичирлаб қўювдики, аёл яна шашт билан ўрнидан турди:

– Мани бу ерда бемалол ўтиришга вақтим йўқ!

– Ундай бўлса, гап мундай: мен милиция участкаси бошлиғи капитан Суннатов бўламан. Сиз-чи?

– Мен Хонпошшоман! Дурманова Хонпошшо. Вилоят заготзерносида бош котиб бўлиб ишлайман.

Капитан «бай-бай-бай!» деган маънода хиёл жилмайганча бош чайқаб қўйди-да, кейин жойига бориб ўтириб, қўлига қалам-қоғоз олди.

– Московда бош котиб Горбачёв эди. Заготзернода сиз экансиз-да? Яхши-яхши. Манави жойга Дурманова Хонпошшо, деб ёзиб қўямиз. Адресингиз?..

– Шаҳар марказида яшаймиз, Бойболаев кўчаси, 99 да. Шу чоғ милиция капитани гўё акт тузаётган ревизорга ўхшаб кетдим, Хонпошшонинг пилиги энди сал пасайгандек бўлди. Стулга эҳтиёт-корроқ бўлиб қайта ўтирди.

– Шаҳар марказида яшасангиз, бу ерда нима қилиб юрибсиз?

Аёл энди менга бирров ўғринча назар ташлаб олди-да, кейин пастроқ овозда жавоб қилди:

– Ўн беш яшар қизим бор. Дурманова Ҳуснида. Еттинчи синфда ўқийди. Кеча кечқурун мана шу массивда яшовчи синфдошиникига тувилган кунга келса, Дангалов деган бир сиржантингиз давра қуриб ўтиришган ҳамма ёшлар қаторида мани қизимниям мелисахонага олиб келиб, актга қўшипти. Бундай қилишга нима ҳақларинг бор? Керак бўлса, биз прокуратурага арз қиламиз!

Капитан, «Ҳаммаси тушунарли» деган маънода бош қимирлатиб қўйди. Кейин босиқлик билан жавоб берди:

– Прокуратурага арз қилиш сизнинг ҳуқуқингиз, хоним. Нима ҳақларинг бор, деган саволингизга жавоб шуки, сержант Дангалов ўз хизмат бурчини бажарган. Бир гуруҳ маст-аласт ўсмир ёшлар ярим тунда кўчада бўмагур қилиқлар билан қийқиришиб жамоат тартибини бузишибди. Сизнинг қизингиз Дурманова ҳатто ёниб турган сигаретини Дангаловнинг лабига босиб, тан жароҳати етказган. Далолатнома тўғри тузилган. Шундан сўнг сержант навбатчи машинада ҳаммасини уйма-уй тарқатиб чиққан. Қизингизни эса, биз ҳали милицияга чақиртирамиз. Учётга қўямиз. Албатта, Дангалов мабодо уни кечирган тақдирда. Бўлмаса...

– Бўлмаса, нима қила олардингиз?! – бошини масхараомуз ликиллатди аёл.

– Дело очамиз, судга ошираммиз...

– Мана сизга дела, мана сизга суд! – Хонпошша энди бош бармоғини икки бармоғи орасидан нуқиб чиқарди. – Биз минан ҳазиллаша кўрманг, кейин пушаймонда қоласиз.

Суннатов қалам тутган қўли билан иягини қучганча, аёлни бефарқ кузатиб ўтираркан, Хонпошшо яна ўрнидан туриб, бидирлай кетди:

– Замонадан орқада қолибсиз, ўртоқ начайний. Пора на пенсию! Не забудьте, ҳозир мустақиллик! Ҳар ким ўзига хоҳ, ўзига бек. Ичадим, чекадим, милиса билан ҳазиллашадими, кечалари кўчада бақириб-чақирадим – бу, уни иши! Вот так!

Суннатов ҳам энди тоқатсизланиб, ўрнидан турди. Вазмин юриб келиб, хона эшигини очди:

– Кечирасиз, хоним. Сиз билан развод, тўрт томонингиз қибла...



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/791> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/791> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/791>